

ILM FAN YANGILIKLARI KONFERENSIYASI

30-IYUL

ANDIJON, 2024

ЎЗБЕКЛАРНИНГ ЧОРВАЧИЛИК БИЛАН БОҒЛИҚ АНЬАНАЛАРИДА ҚАДИМГИ ЭЪТИҚОДЛАРНИНГ САҚЛАНИШИ

Ж.Д.П.У Тарих факултети I-боскич талабаси

Фиёсов Самандар

Илмий раҳбар: Т.ф.н доктори., дотсент- **Ф.Акчаеев**

Анносатсия: Ўзбекларнинг чорвачилик билан боғлиқ анъаналарида қадимги эътиқодларни сакланишини ўрганиш

Калит сўзлар: Фродат-Фшова номи, 14 уруғ, Ясна китобининг 39-қўшиғи, Чорвачилик анъанавий хўжалик, Зардушт, Ахурамазда

Дунёдаги бошқа халқлар қатори ўзбекларнинг маданий қадриятлари ва мероси минг йиллар мобайнида Шарқнинг маънавий ўчоқларидан бири бўлиб хизмат қилган. Бундан ташқари, биз яшаб турган худуд ғоят хилма-хил диний эътиқодлар, динлар, маданиятлар ва турмуш тарзлари туташган минтақа ҳисобланади. Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон худуди нафақат Шарқ, балки умумжаҳон цивилизацияси бешикларидан биридир. Тарихий манбалар ва археологик материалларнинг гувоҳлик беришича, Ўрта Осиёга ислом кириб келгунига қадар аждодлар эътиқоди, ўлиб қайта тирилувчи табиат культи, ҳайвон ва жониворлар культи ҳамда аграр культлар каби маҳаллий культлар билан бирга зардуштийлик, шомонийлик, буддавийлик, монийлик, насронийлик каби динлар ҳам кенг тарқалган.

Турли динлар, эътиқодлар ҳамда культларга эътиқод, шубҳасиз минтақамиизда яшаган аҳолига хос хусусиятлардан бири бўлган.

Минтақага ислом дини кириб келганидан кейин архаик маросим ва урф-одатлар буткул йўқолиб кетмаган. Улар исломий анъаналар ва расм-руссумларга мослашиб, ўзаро уйғунликда янгича маросими-дунёқарааш шаклларини ташкил этган ва то бугунги кунга қадар қоришган кўринишда сақланиб келмоқда. Исломий ва исломгача бўлган диний эътиқодлар компонентлари синкретлашувини ўзида мужассам қилган маҳаллий маросими амалиётининг айнан ўзига хос хусусияти, ўзбек халқи анъанавий турмуш тарзи ва дунёқарашининг тарихий асослари ҳамда ўзига хослигини англашда муҳим аҳамият касб этади. Бундан ташқари Марказий Осиёда ислом динининг маҳаллий хусусиятларини ўрганишда ушбу мавзу ўзига хос калит сифатида хизмат қиласди. Шу боисдан ҳам қадимий диний эътиқодлар изларини тарихий-этнологик нуқтаи назардан тадқиқ қилиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Чорвачилик анъанавий хўжалик машғулотларининг энг қадимий кўринишларидан ва тириклик манбани белгиловчи асосий меҳнат турларидан бири бўлган. Чорвадорларнинг турмуш тарзи ва ушбу машғулот билан боғлиқ қарашлар, урф-одатлар этнографик материаллар асосида маълум даражада ўрганилган. Бироқ, чорвачилик билан боғлиқ қадимий диний тасаввурлар ва эътиқодий қарашлар алоҳида тадқиқот обьекти сифатида ҳозирга қадар маҳсус тадқиқ этилмаган. Зоро, қадимги даврлардан, яъни жониворларни қўлга ўргатиш ва хонакилаштириш жараёни бошлангандан эътиборан чорвачилик билан боғлиқ маросимлар ва урф-одатларда элнинг ҳайвонот оламига бўлган муносабати акс этган. Шу билан бирга, инсон ва табиат, одамзод ва ҳайвонот олами ўртасидаги муносабатлар, кишилик жамиятининг бир неча минг йиллик меҳнат фаолияти билан боғлиқ ҳаёт тажрибалари, макон ва замонга бўлган муносабати, маънавий қарашлари ва, шубҳасиз, ўша давр диний эътиқоди акс этган. Биз учун бу

ILM FAN YANGILIKLARI KONFERENSIYASI

30-IYUL

ANDIJON, 2024

Ўринда аҳамиятлиси чорвачиликка оид маросимлардаги диний қарашлар, аниқроғи, исломгача бўлган диний эътиқодлар ва қарашлар билан боғлиқ урф-одатлар ҳамда маросимлардир.

Юқорида таъкидланганидек, чорвачилик жуда қадимий машғулот тури бўлиб, инсоният тарихининг илк даврларидан бошлаб чорва билан боғлиқ культлар, эътиқодлар халқлар турмуш тарзида муҳим аҳамият касб этган. Зардустийлик динининг муқаддас китоби “Авеста”да чорвага, айникса, от, қорамол ҳамда майда туёкли уй ҳайвонларига эътиқодий муносабат изоҳланган. Чорвадорлар имонли ҳисобланган. Жумладан, “Авеста” матнларида майда молларга ҳомийлик қилувчи илоҳ Фродат-Фшова номи билан зикр этилган¹. Зардушт Ахурамаздадан “ҳаммадан кўра баҳтиёрроқ бўлган дунёдаги тўртинчи жой қаер?” – деб сўраганида, Ахурамазда : “Бундай жсой қўйлар сурви ва тевалар уюри энг кўп парвариши қилинадиган заминдир”, деб жавоб берган². Шунингдек, “Авеста”нинг бирмунча кейинги қисмлари ҳисобланган “Хорда Авеста”да “Айатрима”, яъни “Чорвани отарларга қайтариш байрами” ўтказилганлиги ҳақида маълумотлар бор.

Ўз ўрнида шуни ҳам таъкидлаш лозимки, фанда қабул қилинган мавжуд меъёрларга кўра, ҳар бир туркум маросимлар бир неча гуруҳларга бўлиб таснифланади. Биз ҳам чорвачиликка оид маросимларни таснифий бўлишда тақвимий меъёрга асосланган содда бўлининши маъқул деб ҳисобладик ва бу туркум маросимларни икки гурухга бўлиб ўргандик. Биринчи гурухга баҳорда чорвани ёзги яйловга ҳайдаб кетиш ва кузда ёзги яйловдан қишлоғ жойига қайтишигача бўлган даврда амалга ошириладиган маросимлар ва урф-одатлар, иккинчи гурухга эса чорвани қишки яйловдан қайтиш жараёнидан тортиб то баҳорда ёзги яйловга кетиш пайтигача бўлган турли-туман маросимлар ҳамда урф-одатлар, ирим-сирилар киради.

Фольклоршунос олим Б. Саримсоқовнинг ёзишича, ўзбеклар ўз “меҳнат фаолиятида икки хил йил тақвимларидан фойдаланганлар. Бу тақвимлар кишиларнинг чорвачилик ҳамда дехқончилик фаолиятининг амалга кириши ва тугалланиши билан бошқарилган. Демак, ўзбекларда икки хил йил ҳисоби бўлиб, улар қуидагича белгиланган: дехқон йили 22 марта бошланса, чўпон йили 16 марта бошланган. Дарҳакиқат, 22 марта кейин Ўрта Осиё шароитида ер илиб, ўсимликларга амал киради. Чўпон йилининг 16 марта бошланиши ҳам ерга амал кириши ва ўт-ўланларнинг ўсиб чиқа бошлиши билан боғлиқ. Ана шу кундан бошлаб чорвадорлар ёзги яйловга кўчиш ишларини бошлаб юборадилар”³.

Бундан ташқари, маҳаллий чўпонлар ёзги яйловга кўчишда ҳафта кунларига ҳам алоҳида эътибор берганлар. Чунончи, улар чорвани яйловга олиб чиқишида ҳафтанинг хосиятли кунлари деб эътироф этилган чоршанба ва шанба кунлари танлаганлар. Чорвадорлар наздида ҳафтанинг бошқа кунлари, айникса, жумада кўчиш хосиятсиз ҳисобланган. Чунки халқона қарашга кўра, ушбу кун барча мусулмонлар каби ҳамма жонзодлар учун дам олиш куни сифатида белгилаб қўйилган. Шу боис агар ушбу кун йўлга чиқадиган бўлинса Аллоҳнинг иродасига қарши борилади ва бирор бир фалокатга йўлиқиши мумкин, деб ҳисобланган.

Ҳар йили чорвани яйловга олиб чиқиб кетишдан аввал чўпонлар пири Чўпон ота ва чорва пири Зангиготага бағишлиб курбонлик қилиниб, “ис” чиқарилган. Чорвадорлар фикрича, ҳар бир хайвоннинг ўзига хос пири бўлган ва йилда бир марта мазкур пирга бағишлиб қурбонлик қилинган.

Умуман олганда, туркий халқлар орасида қўй энг муқаддас жонивор ҳисобланган ва унга нисбатан алоҳида эҳтиром кўрсатилган.

¹ Авесто. Тарихий адабий ёдгорлик / Асқар Маҳкам таржимаси. – Т., 2001. – Б. 343.

² Авесто. Тарихий адабий ёдгорлик ... – Б. 113.

³ Саримсоқов Б. Ўзбек маросим фольклори ... – Б. 40-41.

ILM FAN YANGILIKLARI KONFERENSIYASI

30-IYUL

ANDIJON, 2024

Қўчкор қадимги зардустийлик динида уй эгаларини, уларнинг сиҳат-саломатликларини қўриқлаб турувчи илохий маъбуд сифатида талқин этилган. Қолаверса, Эрон ва қадимги Турон халқлари уруш ва ғалаба худосини қўчкор тимсолида тасаввур қилганлар.

Жумладан, К.Ш. Шониёзовнинг ёзишича, туркий халқларнинг энг йирик субэтносларидан қипчоқ уруғининг бир бўғини қўйқорчи деб аталган⁴. Қашқадарё манғитлари оқманғит бўлимининг бир уруғи эса қўзиқўйкор бўлган. Қўнғиротларнинг қанжигали бўлимига қарашли 14 уруғнинг бири қўйин, деб номланган, қорақалпоклар ва бошқирдларда ҳам қўйин уруғи учрайди. Шунингдек, қирғиз уруғлари орасида ҳам қўчкор мундус аймоғи мавжуд бўлган. Умуман олганда, юқорида номлари қайд этилган барча этномимларнинг қадими шаклига қўй тотеми асос бўлган.

Ўзбек халқининг чорвачилик билан боғлиқ анъанавий маросимлар ва урф-одатлар моҳиятига назар ташлар эканмиз, уларнинг аксариятида афсунгарлик, магия, тотемизм билан боғлиқ қарашлар устувор эканлигига гувоҳ бўламиз. Фарғона водийсида яшовчи ўзбек чорвадорлари турфа хил афсунгарлик урф-одатлари орқали чорвани турли балоқазолардан, касалликлардан асрашга ҳамда улар серпуштлигини давом эттиришга ҳаракат қилганлар. Шунингдек, қўйларни қочириш (табиий равишда ирсий кўпайтириш) вақтида, чўпонлар “илоҳим бу йил қўйларимиз худди тарвуз уруғидай кўпайиб баракали бўлсин!”, деган ниятда улар устидан тарвузни ёриб уруғи билан сочганлар.

Энди эса чорвачиликнинг муҳим тармоғи йирик шохли қорамоллар билан боғлиқ анъана ва урф-одатлардаги қадими диний эътиқодлар кўринишларини бирмунча кенгроқ таҳлил қилишга уриниб қўрамиз.

Тарихий адабиётлардан маълумки, қадимдан бука тасвири серпуштлик тимсоли бўлган эркак томонни англатган. Дастрлабки чорвадор жамоаларнинг илк ривожланиш даврида хўқизнинг тотем тарзида тараққий этиши илк бронза давридаги мавжуд иқтисодий шарт-шароит билан чамбарчас боғлиқ эди. Бу даврда йирик шохли қорамоллар хўжаликнинг асосини ташкил этган. Бу ҳолат энеолит давридаёқ қарор топган. Айнан шу даврдан хўқизлар илоҳийлаштирила бошлаган. Айрим муаллифлар хўқиз ва аёл ўзаро уйғунликда чизилган иконографик тасвиirlарини таҳлил этар эканлар, ушбу тасвиirlар келгуси авлоднинг давомийлигини таъминлашга қаратилган серпуштлилик культи билан боғлиқ деган фикрларни илгари сурғанлар.

Санъатшунос олим Л.И. Ремпельнинг ёзишича, афсонавий биринчи бука сув тошқинлари билан боғлиқ бўлиб, унинг танасидан доривор ва зиравор ўсимликлар, унинг уруғидан эса барча фойдали ҳайвонлар пайдо бўлган экан⁵. Умуман олганда, хўқизнинг сув тошқинлари билан анъанавий боғлиқлиги шарқ халқларининг қадимги динларида ёрқин акс этган⁶. Биз хўқиз культининг сув билан боғлиқлигини кейинги давр анъаналарида ҳам учратишими мумкин. Масалан, Ясна китобининг 39-қўшиғида Гэуш Урван ҳамда Гэуш Ташанларга, яъни қорамол, хўқиз тимсолида пайдо бўлувчи бука руҳига мурожаат қилинади⁷.

Шунингдек, Бундаҳашнда таъкидланишича, ердаги дастрлабки хўқиз миясидан зиравор қўкатларнинг 50 хили ва 12 хил доривор ўтлар ўсиб чиқсан. Унинг шохидан мевали дараҳтлар, бурнидан пиёз-қалампир, қонидан эса бир шингил узум пайдо бўлган, дейилади⁸. Ушбу уруғлар албатта ой нурида ўсиши шарт бўлиб, улардан дастрлаб бузоқча ва новвосча, кейинчалик барча ҳайвонлар жуфт-жуфт тарзда пайдо бўлган. Ойнинг ўроғи

⁴ Шаниязов К.Ш. К этнической истории узбекского народа ... С. 123.

⁵ Ремпель Л.И. Цепь времен: Вековые образы и бродячие сюжеты ... – С. 2 2.

⁶ Андрианов Б. Бык и змея (У истоков культа плодородия) // Наука и религия. –1972.– № 1.–С. 32.

⁷ Исҳоқов М. “Авесто”да чорва ва чорвадорлар. // Ўзбекистон худудида деҳқончилик маданиятининг тарихий илдизлари ва замонавий жараёнлар. – Т., 2006. – Б. 47

⁸ Хлопин И.Н. Образ быка у первобытных земледельцев Средней Азии // Древний Восток и мировая культура. – Л., 1981. – С. 27.

ILM FAN YANGILIKLARI KONFERENSIYASI

30-IYUL

ANDIJON, 2024

йирик шохли қорамол ва ҳайвонот олами билан, қуёш айланаси эса ер, ўсимлик ва инсоният дунёси билан боғланган⁹. Шунингдек, айрим маълумотларга кўра, хуннларнинг шанью урганинг тотеми (ҳайвони) бука бўлган¹⁰.

Ушбу бобнинг хулоса тарзида шуни айтиш мумкинки, дехқончилик ва чорвачилик дунёдаги қўплаб ҳалқлар сингари ўзбек ҳалқининг ҳам энг қадимиҳ жараёнида ўзбек ҳалқи анъанавий дехқончилик машғулоти билан боғлиқ маросимлар ва урф-одатларда ўлиб, қайта тирилувчи табиат қульти излари, гарчи, қолдиқий кўриниш тарзида бўлса-да, етиб келганини ва аксарият ҳолларда исломий қарашлар билан ўзаро синкетик тарзда амалга оширилишини кузатдик. Ислом динининг айнан ушбу хўжалик тури билан боғлиқ архаик культларга нисбатан бағрикенглиги қадимиҳ диний-мифологик тасаввурлар асосидаги дехқончилик расм-руsumлари ва урф-одатларидан кўзланган асосий мақсад соғ диний таълимот билан эмас, балкиҳаёт давомийлигини таъминлашга қаратилган меъёрлар, яъни, мўл-кўл ҳосил етиштириш ва уни нес-нобуд қиласдан йиғиб олишга қаратилганлигига бўлса керак.

Чорвачилик билан боғлиқ маросимлар ва урф-одатлар моҳиятига назар ташлар эканмиз, уларнинг аксариятида афсунгарлик, магия, тотемизм билан боғлиқ қарашлар орқали ҳам чорвани турли бало-қазолардан, касалликлардан асрashга ҳамда улар серпуштлигини давом эттиришга ҳаракат қилинганлигига гувоҳ бўлдик.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият. – Т.: Ўзбекистон, 1994. – 64 б.
2. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. // Биз ўз келажагимизни ўз қўнимиз билан қурамиз. Танланган асарлар. Т. 7. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – Б.132-155.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Авесто”нинг 2700 йиллик юбилейини нишонлаш тўғрисидаги” қарори // Халқ сўзи. 2000. 29 марта.
4. Абу Райхон Беруний. Қадимги ҳалқлардан қолган ёдгорликлар / Танланган асарлар. Т. 1. – Т.: Фан, 1968. – 468 б.
5. Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик / Асқар Маҳкам таржимаси. – Т., 2001. – 338 б.
6. Авесто: Яшт китоби / М. Исҳоқов таржимаси.–Т.:Шарқ, 2001.– 128 б
7. Авеста: “Ведевдот” китоби / М. Исҳоқов таржимаси. – Т.: ТошДШИ нашриёти. – 100 б.
8. Аскarov А. Энг қадимги шаҳар. – Т.: Маънавият, 2001. – 24 б.
9. Берзин Э. Зардуштийлик таълимоти нима?–Т.: Ўзбекистон, 1987.–24 б.
10. Бўриев О., Шойимардонов И., Насриддинов К. Ўзбек оиласи тарихи. – Т.: Ўқитувчи, 1995. – 128 б.
11. Жабборов И.М. Худолар, авлиёлар ва одамлар. – Т.: Ёш гвардия, 1985. – 144 б.
12. Жабборов И., Жабборов С. Жаҳон динлари тарихи. – Т.: Ўзбекистон, 2002. –324 б.
13. Жўраев М. Ўзбек ҳалқ самовий афсоналари. –Т.: Фан, 1995. – 108 б.
14. Жўраев У.Т. Дунё динлари тарихи. – Т.: Шарқ, 1998. – 176 б.
15. Ислом энциклопедияси. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”. Давлат илмий нашриёти 57-бет. Т.2003й.
16. X. Караматов Ўзбекистонда мозий эътиқодлари тарихи. 72 бет. Тошкент 2008 й.

⁹ Ремпель Л.И. Цепь времен ... – С. 24.

¹⁰ Бернштам А. Социально-экономический строй орхено-енисейских тюрок VI – VIII вв. – М.-Л., 1946. –С. 8 3-84.

ILM FAN YANGILIKLARI KONFERENSIYASI

30-IYUL

ANDIJON,2024

17. Рапопорт. Ю. А. Хорезм в древности //В низовьях Окса и Яксарта. Образы Древнего Приаралия 67-68 бет Москва 2000 г.
18. Саримсоқов Б. Тўй маросими фольклори // Ўзбек маросим фольклори очерклари. – Т., 1986. – Б. 193-208.
19. Фалсафа қомусий лўғат. 428-бет. Тошкент “Шарқ”
20. Сулаймонова Ф. Шарқ ва Фарб. – Т., Ўзбекистон, 1997. – 415 б.
21. Сулейманов Р.Х. Древний Нахшаб. – Самарканд-Ташкент: Фан, 2000. – 342 с.
22. Шоназаров Р. “Муқаддас”лаштирилган ўсимликлар ва фан. – Т.: Фан, 1977.– 60 б.
23. Шониёзов К.Ш. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Т.: Шарқ, 2001. – 464 б.